

7-10-2019

SOCIAL AND PHYSICAL EXPERIENCE OF INFORMATION AND INFORMATION CULTURE

Nodirbek Mamasolievich Kadirov
researcher of the National University of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Kadirov, Nodirbek Mamasolievich (2019) "SOCIAL AND PHYSICAL EXPERIENCE OF INFORMATION AND INFORMATION CULTURE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 29.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/29>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

SOCIAL AND PHYSICAL EXPERIENCE OF INFORMATION AND INFORMATION CULTURE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

“АХБОРОТ” ВА “АХБОРОТ МАДАНИЯТИ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Нодирбек Қодиров Мамасолиевич – Ўзбекистон Миллий Университети
тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада, ахборот ва ахборот маданияти тушунчалари фалсафий таҳлил қилинган. Шунингдек, ахборотлашган жамиятда ахборот ва ахборот маданиятини шакллантиришнинг аҳамияти кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: ахборот, ахборот маданияти, ахборотлашув, ахборотланган жамият, цивилизация, ахборот макони, ахборот воситалари.

SOCIAL AND PHYSICAL EXPERIENCE OF INFORMATION AND INFORMATION CULTURE

Nodirbek Kadirov Mamasolievich - researcher of the National University of Uzbekistan

Abstract: In this article, philosophical analysis of the concept of information and information culture has been made. Also, the importance of the formation of information and information culture in the information society is demonstrated.

Keywords: information, information culture, information, communication society, civilization, information space, communication.

СОЦИАЛЬНО-ФИЗИЧЕСКИЙ ОПЫТ ИНФОРМАЦИИ И ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ

Нодирбек Кадыров Мамасолиевич - научный сотрудник Национального
университета Узбекистана

Аннотация: В данной статье проведен философский анализ понятия информации и информационной культуры. Также показана важность формирования информации и информационной культуры в информационном обществе.

Ключевые слова: информация, информационная культура, информация, коммуникационное общество, цивилизация, информационное пространство, коммуникация.

XXI аср инсоният катта орзу-умидлар билан қадам қўйган, маданият юқори даражада тараққий қилган, ахборот алмашинуви жадал ривожланган, ижтимоий ҳаёт юксалган жамият бўлиши билан бир қаторда, тараққиётга жиддий хавф ва тўсиқ бўлиши мумкин бўлган диний экстремизм, халқаро терроризмнинг хуружлари авж олган давр сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Шу сабабдан, бузғунчи ғоялар таъсиридан мамлакатимиз аҳолисини, айниқса, ёш авлодни

асраш зарурати бугуннинг ниҳоятда долзарб ва аҳамиятли масаласига айланиб бормоқда. Бу эса, ушбу масаланинг ечимини топишнинг бир йўналиши сифатида, мафкуравий-тарбиявий ишларни олиб боришда таълим муассасалари, оила, маҳалла институтлари олдига янги талаблар қўймоқда.

Бугунги кунда жамият ҳаётининг турли соҳаларида ахборот коммуникация ва компьютер технологияларининг кириб келиши, унинг жадал ривожланиши – жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Натижада, инсоният ахборотлаштириш соҳасида инқилобий ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Бундай шароитда ҳар бир давлатнинг ижтимоий ҳаётдаги самарали фаолияти асосини бевосита, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш ва ахборот маданиятини шакллантириш масаласи ташкил қилмоғи лозим.

Мамлакатимизда айни пайтда оммавий ахборот воситалари фаолиятдан самарали фойдаланиш, миллий ғоя тарғиботини йўлга қўйиш, жамият аъзолари онгида ғоявий-мафкуравий иммунитетни шакллантириш, мамлакат аҳолини мустақил Ўзбекистонимизнинг нуфузини янада оширишга сафарбар этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот (информация) тушунчасига илмий адбиётларда кўплаб таърифлар берилган. Жумладан: 1) бирон хил ишнинг ҳолати тўғрисида, у ёки бу нарса-ҳодиса ҳақидаги маълумотларни кишилар томонидан узатиб туриш, хабардор қилиш; 2) ахборот олиш натижасида камайтирилган, бартараф этилган ноаниқлик; 3) ҳар қандай объект ва жараёндаги (жонсиз ва жонли табиатни) турли-туманликнинг акс этиши, эшиттириш ёки кўрсатиш"[1.171] каби маъноларда талқин этилади.

Шу сабабдан, борлиқнинг у ёки бу қирраси ҳақидаги ҳар қандай ахборотни қабул қилиш, ўзлаштириш, қайта ишлаш ва ундан ижодий фойдалана билиш кабилар оламни тўлиқ идрок қилишда муҳим ўрин тутди. “Кимки ахборотга эга бўлса, дунёга эгалик қилади” – деган фикр ҳам ахборотнинг оламни тўлиқ идрок қилишдаги аҳамияти катта эканини тасдиқлайди.

Глобаллашув жараёнлари кенг қулоч ёйган ҳозирги даврда ахборотнинг ижтимоий аҳамияти масаласи мутахассислар томонидан чуқур ўрганилмоқда. Маълумки, биринчилар бўлиб Норберт Виннер ахборотни жисмоний ўзгарувчи миқдор сифатида қабул қилиш таклифи илгари сурган. Унинг фикрича жонли табиат, жамият ва машиналардаги барча бошқарув ва алоқа жараёнларига ахборот узатиш, қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари сифатида қаралади[2.24].

Ахборотни турли кўринишларда, масалан, ёзма равишда (матн ёки белгилар орқали), оғзаки (товушлар ёрдамида), ҳаракатдаги расмлар (кино, видео, анимация) ва бошқа кўринишларда ифодалаш мумкин. Кишилиқ тараққиётининг дастлабки босқичи – Ибтидоий даврдан бошлаб одамлар

ахборотни турли хил белгилар, товушлар воситасида, тошларни турли шаклда жойлаштириш ёрдамида, кейинчалик эса, папирус япроқларига ёзиш орқали сақлашган. Тараққиётнинг юксалиши, кишлар онгининг ўсиши, қоғознинг кашф этилиши натижасида ахборот қоғоз китобларда нашр этиладиган бўлди. Ундан кейин эса, мос қурилмалар кашф этилгач, ахборотни сақлаш учун фотоплёнка, грампластинка, магнит плёнка, ҳозирги вақтда эса турли ахборот воситалари (каттик, эгилувчан, компакт ва ҳ.к) қўлланила бошланди.

“Ахборот” тушунчаси илмий муомалага америкалик олим Р.Хартли томонидан 1928 йилда техник алоқа каналлари бўйлаб тарқатилувчи маълумотларни миқдорий ўлчаш мезонини белгилаш учун киритилган. Аммо “ахборот” тушунчасига 1948 йилдан бошлаб жиддий эътибор қаратилди.

“Ахборот” тушунчасига атлофлича ёндашиш ва аниқ миқдор ўлчови пайдо бўлиши ахборотни ўрганишга қизиқишни уйғотди. Бу жараён XX асрнинг 60-йилларидаги кўп тадқиқотлар ахборотни қидириш муаммолари билан узвий боғлиқ бўлиб, айти шу даврда ахборотларни қидириш тизими ва усуллари яратилди. “Ахборот” назарияси илмий-методологик жиҳатдан ҳам тараққий этган, унга Ж.Фон Нейман, Н.Виннер, К.Шенон каби олимлар асос солганлар. Улар бир-биридан хабарсиз ахборотнинг статистик-миқдорий жиҳатларини аниқлаганлар. Бу ўринда К.Шеноннинг “Алоқанинг математик назарияси” асари катта роль ўйнаган. Айти шу даврларда Н.Виннернинг “Ҳайвонот ва машина”, “Кибернетика ёки бошқарув” асарлари эълон қилинган эди. Бу асарларда асосан ахборот назарияси ҳақидаги фикр юритилади.

Ахборот назариясининг назарий-методологик муаммолари орасида “ахборот” тушунчаси кенг мазмунга эга фалсафий тушунча сифатда муҳим ҳамда марказий ўринни эгаллайди. Бу тушунча устида тадқиқот олиб борган Д.И.Дубровский “ахборот-фалсафий категория, чунки, у ўзида инсоннинг феноменологик билимларини ҳам ифода этади”[3.156], деган фикрни билдириб ўтади.

Е.Ю.Журавлева, “ахборот – ресурс, хизмат, товар, қўшимча қиймат ва бандлик манбаи сифатида чиқмоқда. Ахборот эркинлиги жамиятда ўсиб борувчи консенсус билан характерланадиган сиёсий жараёнларга олиб келмоқда. Ахборотнинг инсоннинг ва бошқа социал бирликларнинг манфаатлари йўлида қадри ортиб бормоқда”[4.12], - деб ёзади.

Шунингдек, ахборот, унинг жамиятга таъсири кўлами ҳақида Р. Ф. Абдеева ҳам фикр билдириб, унинг фикрича, “ахборот материя ва энергия каби тушунчалар қаторига кирди, унинг мазмуни тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда”[5.161]. Ю.А.Нисневич тадқиқотларида эса, “ахборот” тушунчаси макон, замон, ҳаракат, энергия каби умумфалсафий категориялар сирасига киради. Унинг фикрича, ахборот жамият ҳаётий фаолияти жараёнида яратилган

ноёб ресурсдир[6.175], - деган фикрларни учратиш мумкин. Ушбу фикрларга қўшимча равишда шуни айтиш мумкинки, ахборот, (ижтимоий ахборот) ўзининг турли хусусиятлари, мазмуни, жамиятга, ижтимоий муносабатларга таъсир қилиш даражасига кўра, доимо муҳим мазмунга эга бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам унинг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

“Маълумки, бир замонлар коммуникация ва ахборот имкониятлари ниҳоятда чегараланган, кўлами тор доирда шаклланган даврда давлатларда бир-бирига нисбатан ўзаро тасаввурлари деярли йўқ эди. Улар ҳатто, бир-бирини ижтимоий ҳаёти, иқтисоди, сиёсати каби ҳолати тўғрисида билишмаган ҳам. Шу боис, муайян давлатнинг “геоисий онги” примитивлигича қолаверган бўлиши ҳам мумкин”[7.92].

Бироқ, ҳозирги кунда глобаллашув жараёнининг кучайиши, жаҳон давлатларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда яқинлашуви – дунёда яхлит ахборот макони шаклланимоқда ва бу жараён ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. “Бундай шароитда, - деб ёзади Н.А.Костин, - ахборот дунё саҳнидаги тарихий рақобат кечадиган соҳага айланиб, “ахборот уруши” деб номланаётган фаол кураш шакли пайдо бўлмоқда”[8.21-33].

Ахборотнинг таъсир кўрсатиш даражаси фақатгина ғаразли манфаатлар йўлида эмас, балки демократик мақсадларни амалга оширишда ҳам катта аҳамият касб этади. Масалан, муайян давлат, ҳалқнинг миллий ғояси яратилиши ва уни аҳоли кенг қатлами онги ва қалбига сингдириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар демократик анъаналарни мустаҳкамлашга, миллатлараро тотувликни таъминлашга, ижтимоий шериклик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, диний бағрикенглик учун шароит яратишга, бунинг натижасида эса, мамлакат яхлитлиги, хавфсизлиги билан боғлиқ стратегик манфаатларга ҳам хизмат қилади.

Ахборот улкан аҳамият касб этгани боис, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам унга доир қоидалар ишлаб чиқилган. Жумладан, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт” 19-моддасининг 2-бандида: “Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ давлат чегарасидан қатъий назар, оғзаки, ёзма равишда, нашр ҳамда бадий ифода орқали, ёки ўз танловига кўра бошқа усулларда ҳар қандай ахборот ва ғояни қидириш, олиш ва тарқатишни англади”- деб ёзилган. Ушбу қоидада ахборотларнинг географик макон бўйлаб эркин “ҳаракатланиш” хусусияти инобатга олинган ҳолда “давлат чегаралари” ибораси ишлатилган.

Бироқ, ўша модданинг 3-бандида эса, ушбу ҳуқуқ алоҳида мажбурият ва масъулият юклаши тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган. Негаки, инсон ва жамият тараққиётига омил бўлувчи маълумотларнигина турли йўللар ва воситалар орқали излаш, топиш ва тарқатиш мумкин. Зеро, жамият ҳаётини издан

чиқаришга, миллий давлатлар хавфсизлигини емиришга қаратилган ахборот ва ғояларни амалга ошириш глобал демократик тараққиёт стратегиясига ҳам, ҳар қандай соғлом мафкураларга таянадиган миллий сиёсий дастурларга ҳам зиддир.

Юқорида келтирилган ҳужжатнинг туб мақсади ва моҳиятини Президент Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда қабул қилинган, 2017-2021 йил-ларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича **“Ҳаракатлар стратегияси” Дастурида** белгиланган вазифаларини “шахс-жамият-давлат” тизими манфаатларини таъминлаш ва уйғунлаштириш контекстида олиб қарайдиган бўлсак, ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги ва аҳамияти намоён бўлади.

Мазкур “Ҳаракатлар стратегияси” Дастурида мамлакатни ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши белгиланган, яъни:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
3. Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш асосий устувор йўналиш қилиб белгиланган.

Бу дастур миллий манфаатлар устуворлигини ва ахборот хавфсизлигини таъминлашда 2010 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Мамлакатимизда Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш”[9] Концепциясини амалга оширишнинг янги босқичидаги стратегик вазифаларини белгилаб берди. Концепцияда таъкидланганидек: “Фуқаролик институтлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий манфаатларини ошириш учун шароит яратилмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда”[10].

“2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да бу кўрсатилган йўналишлар давлат сиёсатининг масалага комплекс-системали ёндашишида намоён бўлган. Жумладан, бевосита тадқиқот мавзусига алоқадор бўлган V «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш» деб номланган бешинчи йўналиш доирасида, республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир ташкилий асосларни кўрамиз[11].

Харакатлар стратегиясининг ушбу устувор йўналиши доирасида амалга ошириладиган вазифалар қоторига:

5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишида:

- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш; ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш; фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш каби масалаларни ҳал қилиш белгиланган.

Агар “Харакатлар стратегияси”нинг ҳар бир устувор йўналишида қўйилган конкрет вазифаларни, диссертация мавзуси доирасида таҳлил қиладиган бўлсак, ахборот маданиятини шакллантириш масаласида ҳам, унинг амалий аҳамиятида, яъни ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсата олишда намоён бўлади.

Бугунги кунга келиб, ахборот тарқатишнинг матбуот, радио, телевидение, компьютер тармоқлари каби воситалари шаклланган бўлиб, улар ўзаро бирликда маълумотлар оқими характерини белгилайди. Хабар ва маълумотларни қабул қилиш ва узатиш техника ва технологияларининг такомиллашиб бориши – ижтимоий ҳаётда ахборот истеъмолига бўлган эҳтиёжни тобора юксалиб бораётганини кўрсатади.

Зеро, улар ёрдамида, инсоннинг бирламчи ижтимоий эҳтиёжларидан бўлган – ижтимоий алоқа (ижтимоий муносабатлар) ва коммуникацияни ривожлантириш кўзда тутилган. Дарҳақиқат, ҳеч бир киши бугунги кунда, ўз ҳаётини телефон, телеграф, почта хизмати, факс, компьютерсиз янада аниқроқ қилиб айтганда, улар воситасида эгалланадиган ахборотларсиз тасаввур эта олмайди.

Бироқ, замонавий ахборот узатишнинг аниқлик, тезкорлик каби хусусиятларидан турли ғайридемократик кучлар ғаразли манфаат ва мақсадларни амалга оширишда фойдаланаётгани ҳаммага маълум. Бу эса, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий ва умуман миллий хавфсизлик муаммолари кескинлашиб бораётган ҳозирги даврда, ахборотни узатиш, ундан фойдаланиш йўллари ва механизмлари аниқлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишни, яъни юксак даражада “ахборот маданиятини” шакллантиришни зарурият қилиб қўймоқда.

Ахборотлашган жамиятда аҳоли кенг қатлами, хусусан ёшлар онгини у ёки бу йўналиш ва даражада шакллантириш, ўзгартириш (замон руҳига ва талабига мос равишда) муҳим ҳисобланади. Бунда турли шаклдаги матбуот нашрлари,

радио ва телеканаллар, қолаверса, замонавий оммавий ахборот воситалари ҳисобланган “интернет” асосий функцияни бажаради. Аммо, тезкор ахборот узатиш тизимлари, бир томондан, сайёрамизнинг у ёки бу нуқтасидан тарқалаётган эзгу ғояларнинг бир сонияда бутун инсоният мулкига айланиши учун хизмат қилса, иккинчи томондан, турли ғайриахлоқий ва ғайридемократик мазмундаги ахборотларнинг ҳам инсонлар истеъмоли учун тақдим этилишига сабаб бўлади.

References:

1. Falsafa: qomusiy lug‘at. – Toshkent: Sharq, 2004. – 171 b.
2. Viner N. Chelovek upravlyayushiy. -SPb: Piter, 2001. -S.24.
3. Dubrovskiy D.I., Verjbitskiy V.V. Kategoriya informatsii (filosofskiy obzor) // Filosofskie nauki. -Moskva, 1976. -№1. - S.156.
4. Juravleva E.Yu. Globalnaya informatsionnaya kompyuternaya set Internet: problemi stanovleniya i razvitiya (sotsialno-filosofskiy analiz): Diss. ... kand. filos. nauk. – Vologda, 2002. –12 s.
5. Abdeeva R.F. Filosofiya informatsionnoy sivilizatsii. – M.: VLADOS, 1994. – 161 s.
6. Nisnevich YU.A. Informatsiya i vlast. – M.: Misl, 2000. – 175 s.
7. Jo‘raev T. Milliy davlatchilik: xavfsizlik va barqarorlik (global kontekst). – Toshkent: Akademiya, 2007. – 92 b.
8. Kostin N.A. Geopoliticheskiy xarakter informatsionnoy borbi v sovremennom mire i ee problemi nakanune XXI veka // Bezopasnost informatsionnix texnologiy / Pod.red. Gracheva R.K. – M.: Misl, 1999. - 21-33 s.
9. Karimov.I.A Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi, -T, «O‘zbekiston», 2010 y.
10. Karimov.I.A Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi, -T, «O‘zbekiston», 2010 y.
11. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha “Harakatlar strategiyasi” to‘g‘risida /rasmiy nashr/ O‘zbekiston Respublikasi Adliya Vazirligi. -Toshkent: Adolat, 2017.